

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**441** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ–4253-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 20 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2158*

*(2010 йил 30 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ–4253-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ–4253-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 16 июлдаги 61-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ–4224-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2123, 2010 йил 20 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 28-29-сон, 247-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 19 ноябрь,  
100-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2010 йил 19 ноябрдаги  
100-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил  
15 ноябрдаги ПФ–4253-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар,  
стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини  
ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни  
қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ–4253-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига асосан пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2010 йилнинг 1 декабридан қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланади:

энг кам иш ҳақи — ойига 49 735 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 97 285 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 97 285 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 59690 сўм.

2. 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдорини тенглаштириш ва қайта ҳисоблаб чиқиш мақсадида, иловага мувофиқ йиллар ва ойлар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади.

3. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ( $49\,735\text{ сўм} \times 8 = 397\,880\text{ сўм}$ ) ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади.

4. Янги тузатувчи коэффициентлар қўлланилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баравари ва ундан юқори миқдорида бўлган ҳолларда, пенсияларни қайта ҳисоблашни амалга оширишда иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг саккиз ҳиссаси 397 880 сўм ( $49\,735\text{ сўм} \times 8$ ) билан чегараланиб, иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

5. Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича пенсионерлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда) Қонунининг 7 ва 17-моддаларига мувофиқ пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда, қайта ҳисоблашдаги пенсия миқдори мавжуд стажга мутаносиб равишда белгиланади.

6. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (49 735 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

7. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири*

**А. ХАИТОВ**

2010 йил 19 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сонли «Иш  
ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий  
нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги  
Фармони бўйича 2010 йил 1 декабрдан  
пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**2010 йил 1 декабрдан пенсияларни қайта ҳисоблашда ўртача  
ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун қўлланиладиган  
ТУЗАТУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Даврлар	Коэффициентлар	Даврлар	Коэффициентлар
1971 йилга қадар	1852,5	1994 йил 1 сентябрдан	648,63
1971 йил	1805,4	1994 йил 1 ноябрдан	503,27
1972 йил	1760,4	1995 йил 1 январдан	503,27
1973 йил	1704,19	1995 йил 1 мартдан	254,66
1974 йил	1589,8	1995 йил 1 сентябрдан	196,04
1975 йил	1554,9	1996 йил 1 январдан	196,04
1976 йил	1521,6	1996 йил 1 апрелдан	145,778
1977 йил	1479,3	1996 йил 1 сентябрдан	101,679
1978 йил	1429,6	1997 йил 1 январдан	101,679
1979 йил	1401,5	1997 йил 1 июлдан	70,746
1980 йил	1365,5	1998 йил 1 январдан	70,746
1981 йил	1339,79	1998 йил 1 июлдан	51,414
1982 йил	1339,69	1999 йил 1 январдан	42,113
1983 йил	1315,0	1999 йил 1 августдан	32,813
1984 йил	1314,8	2000 йил 1 августдан	21,412
1985 йил	1298,9	2001 йил 1 августдан	15,2880
1986 йил	1283,36	2002 йил 1 апрелдан	13,3030
1987 йил	1252,9	2002 йил 1 августдан	11,5470
1988 йил	1170,5	2003 йил 1 майдан	9,6350
1989 йил	1097,98	2004 йил 1 августдан	7,4090
1990 йил	990,87	2005 йил 1 майдан	6,1655
1991 йил	683,64	2005 йил 1 октябрдан	5,1414
1992 йил 1 январдан	202,1	2006 йил 1 июлдан	4,2845
1992 йил 1 июлдан	94,47	2006 йил 1 ноябрдан	3,5740
1992 йил 1 октябрдан	45,353	2007 йил 1 августдан	2,8528
1993 йил 1 январдан	33,47	2007 йил 1 ноябрдан	2,5916
1993 йил 1 апрелдан	23,93	2007 йил 1 декабрдан	2,3826
1993 йил 1 июндан	10,241	2008 йил 1 апрелдан	2,1110

Даврлар	Кoeffициентлар	Даврлар	Кoeffициентлар
1993 йил 1 июлдан	6,479	2008 йил 1 сентябрдан	1,7556
1993 йил 1 сентябрдан	4,9115	2008 йил 1 ноябрдан	1,6720
1993 йил 1 ноябрдан	3,0305	2008 йил 1 декабрдан	1,5780
1994 йил 1 январдан	2,278	2009 йил 1 августдан	1,2644
1994 йил 1 мартдан	1,3689	2009 йил 1 декабрдан	1,1913
1994 йил 1 июндан	0,9165	2010 йил 1 августдан	1,0450
1994 йил 1 июлдан	910,19	2010 йил 1 декабрдан	1,0
1994 йил 1 августдан	746,1		